ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 87 (9.737) 2002 йил 26 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга ташрифига доир

Япония ҳукуматининг таклифига биноан шу йил 28-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи бўлиб ўтади.

Ташриф давомида Япония Императори Акихито билан учрашув кўзда тутилган бўлиб, Япония Бош вазири Д.Коидзуми билан музокаралар, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиши режаштирилмоқда.

Сафар асносида қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланади. Ўзбекистон томони Япония билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият беради.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Шаҳримизнинг Шевченко кўчасида бунёд этилаётган 5, 6-уйлар қурилишида «ГАБУС—қурилиш-тўрт» шўъба корхонасининг моҳир электрпайвандчиси Музаффар Исломовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

ҚИСҚА сатрларда

● **ОНАЛИК** ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда Истиқлол байрамига туҳфа сифатида Юнусобод туманида бунёд этилган Республика перинатал марказига АҚШ, Германия, Япония ва Финляндия давлатларидан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Эндиликда ушбу марказ 2000 нафар аёлга тиббий хизмат кўрсатади. Беморларни эса ривожланган давлатларда малакасини ошириб қайтган шифокорлар муолажа қилади.

● **ПОЛИМЕРЛАР** кимёси ва физикаси илмий-текшириш институтида ўқитувчилар иштирокида «Биологик фаол полимерларнинг хусусиятлари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ички ишлар вазирлигида, ички ишлар идораларида узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган отахонлар иштирокида ўтказилган тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди. Вазирлик раҳбарияти томонидан фахрийларга тақдим этилган совғалар тадбир қатнашчилари кўнглини шод этди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар «Саломатлик» марказида шаҳримиз ёшлари иштирокида бўлиб ўтган кўрик-танлов «Биз чекишга қаршимиз» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида мусиқани янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови мусиқа мактаблари ўқувчилари иштирокида уюштирилди. Голибларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари бошқармасининг совғалари берилди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Ислоҳотлар изчиллиги — ривожланиш омили

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасида ўртага қўйилган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Нодир Ханов ахборот берди. Хусусан, маърузачи жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталиб, асосий эътиборни иқтисодиётнинг бош мезонларидаги вазиятнинг танқидий таҳлилига қаратиб ўтди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 465,9 миллиард сўмни ташкил қилди, ўсиш суръати 102,3 фоизга тенг бўлди. Шу жумладан саноат маҳсулотлари ҳажми — 18,2 фоизга, истеъмол моллари ҳажми — 35,8 фоизга ошди.

Мулк шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотлар томонидан 108,8 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, 51,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 49,2 миллиард сўмга тенг асосий фондлар ишга туширилди.

Ҳисобот даврида молиявий тизим мустаҳкамланганги кузатилди. Бу ҳақда бюджет даромадларининг барча асосий манбалари бўйича кўзда тутилган кўрсаткичларга эришилгани, яъни давлат даромадлари — 299,5 миллион сўмга ортиқ, маҳаллий бюджетга 1,14 миллиард сўмдан кўпроқ тушумлар тушганини таъкидлаш мумкин.

Кейинги пайтда кичик ва ўрта бизнес тузилмалари анча фаоллашиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳудудий ички маҳсулотдаги улуши 44,6 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳисобот даври якунида бу кўрсаткич 2,3 фоизга ошди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари улуши 27,6 фоизни, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар улуши — 19,3 фоизни ташкил қилди.

Бироқ, маърузачи томонидан таъкидлаб ўтилганидек, ушбу ижобий ўзгаришлар иқтисодиётнинг барча жабҳаларида барқарор ривожланиш намоён бўлаётганидан далолат бермайди. Масалан, аксарият туманлар бўйича саноатда ўсишга эришилганига қарамасдан, 92 корхонада (асосий саноат корхоналарининг учдан бирида) саноат маҳсулотлари ҳажми 16 миллиард сўмга, халқ истеъмоли моллари ҳажми 7 миллиард сўмга пасайди. Бундай пасайишлар Бектемир, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Чилонзор туманлари корхоналарида сезилари бўлди.

Корхоналар молиявий ночор ҳолати ҳақида меъёридан ортиқ тайёр маҳсулот қолдиқлари 1 чорак якунига нисбатан икки маротаба ошганини айтиш мумкин. Бу эса 298,9 миллион сўмни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, корхоналар фаолиятида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни чиқаришга йўналтирилган давлат дастурининг бажарилиши ҳам суст-кашлик билан олиб борилмоқда. Ушбу дастурда жорий йил учун белгиланган кўрсаткичлар биринчи ярим йилликда тахминан 45 фоизга бажарилди. Фақат учта корхона — «Оникс», «Орзу» акциядорлик жамиятлари ва «Полипак» қўшма корхонаси бўйича режалаштирилган вазифалар тўлиқ бажарилган. Аммо имкониятлари мавжуд бўлиб, ҳануз дастур тадбирларини бажаришга киришмаган корхона ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, йиғилишда мазкур корхоналарни ўз фаолиятида кескин чоралар кўрилмаса, дастурдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда бундай вазиятнинг келиб чиқишига корхоналар бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаётгани, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси пастлиги, ҳамон корхона ва ташкилотларда катта ҳажмда бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватлари мавжудлиги сабаб бўлиб қолаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, жойлардаги банкротлик ва санация бўйича комиссияларнинг фаолиятини жонлантириш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда туман ҳокимларига ушбу масалаларга жиддий ёндошиб, барча мутасадди хизматлар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда, юзага келган вазиятни яхшилаш лозимлиги, шунингдек жойларда молиявий барқарорликни таъминловчи вазифаси юклатилган туман пул-кредит ҳамда ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш комиссиялари фаолиятини тартибга келтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга йиғилишда шаҳар ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам танқидий баҳо берилиб, айниқса экспорт масаласида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек йиғилишда пойтахт коммунал хўжалигини вақтида кузги-қишки мавсумга тайёрлаш, тубдан таъмирлаш ва таъмирлашга тушган объектларни ичил молиялаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан йиғилишда Молия бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тоҳиров, шаҳар Солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев ва Давлат мулки қўмитаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов ахборотлари тингланди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов сўзга чиқди.

(Ўз мухбиримиз).

ТРАНСПОРТ

Яна 100 та «Шкода»

Ўзбекистон билан Чехия Республикаси ўртасида иқтисодий алоқалар ҳам яхши йўлга қўйилган. Электр транспорти воситаларини етказиб бериш бўйича тузилган шартномага ҳам тўла амал қилинмоқда.

Гап шундаки, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси Чехиядаги «Мотоков» транспорт ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузган. Мана, етти йилдирки мазкур ҳамкорлик туфайли «Шкода-14ТР» чех троллейбусларидан талайгинаси республикамиз пойтахтига етказиб берилди.

Жуда қулай ва кўркам бўлган бу хил электр транспорти воситаси йўловчиларга ёқиб қолди. Ички салони ва бежирим ўриндиқлари ҳам эстетик жиҳатдан эътиборни ўзига тортади. Шу сабабли «Шкода-14ТР» русумли троллейбусларга талаб ва эҳтиёж ортмоқда. Буни инобатга олиб, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси чех машинасозлари билан янги шартнома тузди. Шу муносабат билан «Шкода» троллейбусларини ишлаб чиқарувчи «Шкода Остров» заводи, «Томас Прага» ҳиссадорлик жамияти вакилларидан иборат делегация Тошкентга келди.

Шу учрашув чоғида янги шартнома имзоланди. Ўзаро келишувга биноан Чехия томони Тошкентга яна 100 та троллейбус юборади. Шу билан бирга эҳтиёт қисмлар ва зарур техникалар ҳам кўплаб олинади.

Акбар АЛИЕВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра бокс бўйича Осиё чемпионатида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилардан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак фахрий унвонлари берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Жамшед Сайфиддинов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўткир Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинди.

● Навоийда «Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Очиқ турдаги «Фотон» акциядорлик жамиятида «Фотон- Тошкент» («FT») номи билан янги рангли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида анъанавий XIV Халқаро аэрокосмик мактабнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво бироз ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундуз куни ҳаво ҳарорати 36-38 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

● Токиода Ўзбекистон маданияти куни ўтказилди. У икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишланди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Швейцарияни ушбу ташкилотга қабул қилишни маъқуллади. 10 сентябрда ўтказиладиган Бош Ассамблеяда овоз берилгандан сўнг Швейцария БМТнинг тенг ҳуқуқли 190-аъзоси бўлади.

● Афғонистон савдо вазири Мустафо Козимийнинг маълум қилишича, янги афғон миллий валютаси Германияда босилади. Янги пул эски афғони ва дўстумиларнинг ўрнига амалга киритилади.

● Исроил ҳарбийлари Фаластинга инсонпарварлик юкларини олиб келган Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакилларини ҳудудга киритишдан бош тортди.

● АҚШ маъмурияти Фаластин мухториятида тобора яқинлашиб келаётган сайлов ва унинг натижалари бўйича ўз хавотирини баён этиб, Исроил раҳбариятига махфий мактуб йўллаган.

● **Кеча** Буюк Британиянинг қироличаси Елизавета Иккинчи Манчестерда XVII Британия ҳамдўстлик ўйинларини очиб берди. Мазкур ўйинларда дунёнинг етмиш икки мамлакатидан беш мингга яқин спортчи иштирок этади.

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҮЛЛАРИ

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Юксак эҳтиром

Аёл деганда кўз ўнгимизда вафо-садоқат, меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва келажак намоён бўлади. Бу тушунчаларсиз эса ҳаётни тасаввур этиш мушкул. Шу боис Шарқда аёл доимо ардоқда, эътиборда бўлиб келган. Халқимиз анъаналарига содиқ қолган ҳолда айни пайтда ҳам келажагимиз яратувчилари бўлмиш аёлга, онага юксак даражада эҳтиром кўрсатиб келинаётир.

Мустақилликка эришгач, ҳукуматимиз томонидан йилларни Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили — деб аталиши ҳам фикримизнинг исботидир. Мазкур йилларнинг ҳар бирида аёл қадрини янада кўтариш бош мақсад қилиб қўйилган.

Дарҳақиқат аёл оиламиз шамчироғи, қалбимиз севинчи, келажагимиз яратувчисидир. улар бахтиёр, соғлом, зукко бўлсаларгина келажак авлодимиз ҳам ҳар жиҳатдан етук бўлиши шубҳасиз.

Миллат маънавиятининг даражаси аёлларга бўлган муносабатида намоён бўлади, деб бежиз айтилмаган. Албатта бунга ривожланган давлатлар мисолида гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айни пайтда бутун дунёда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, БМТ томонидан 1953 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенцияга қўшилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30 август 1997 йилдаги қарори, бундан ташқари Республикамиз Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида Хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 1998 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиздаги хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ҳуқуқий саводхонлигига эришиш, баркамол авлод яратиш каби масалалар ечимини таъминлашга қаратилган. Бу борада республикамиз миқёсида жадал суръатларда фаолият юритилмоқда.

Ҳамкорликдаги ишлардан кўзланган асосий мақсад оилалар бузилишининг, отасиз тирик етим болаларнинг кўз ёш тўкишларининг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзини яратишдир. Албатта бу борада Ҳамза тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Аммо ўз ечимини кутаётган ишлар ҳам талайгина.

Туманда жорий йилнинг январь ойида «Оила паспорти» ишлаб чиқилиб, маҳалла кўрсаткичлари қайта таҳлил қилинди.

Туманда 213,1 минг аҳоли (67568 та оила) истиқомат қилади, шулардан 117,4 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Туманда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган фаол аёллар сони 635 та, олима аёллар 44 та, тадбиркор аёллар 457 та, раҳбар аёллар 150 тани ташкил этади.

Тумандаги оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида ҳар ойда 2 марта туман фуқаролик ишлари суди билан амалий учрашув ўтказилиб, туман ФҲДЁ бўлимидан ҳар ҳафтанинг жума кунлари ажралишга ариза берган оилалар сони ҳамда манзили мунтазам олиниб, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда оилавий ажралиш сабаблари ўрганилмоқда.

Бундан ташқари хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг осойишталигини таъминлаш мақсадида мазкур йилнинг январь ойидан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба куни маҳаллаларда хотин-қизлар қўмитаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаролар билан давра суҳбатлари олиб борилмоқда.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ва Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими аёлларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш, ишсизликнинг олдини олиш мақсадида бир неча йўналишларда иш олиб бормоқда. Булардан асосийси уларни касб тажрибасига, соғлигига, оилавий шароитига мос келадиган иш билан таъминлашдир.

Келажагимиз яратувчилари бўлган хотин-қизларнинг соғлигига ҳар қачонгидан бугунги кунда кўпроқ эътибор қаратилаётир. Буни амалдаги ишлар кўрсатиб турибди.

Репродуктив саломатликни кучайтириш ва соғлом оилаларни шакллантириш мақсадида 508 та келин-кўёв тиббий кўрикдан ўтказилди, улардан 142 тасида касалликлар борлиги аниқланиб, «диспансер» назоратига олинди ва режа асосида соғломлаштирилди. Туманда 45882 нафар туғиш ёшидаги аёллар бор. Уларнинг соғлигини назорат қилиш ва соғломлаштириш мақсадида 39785 нафар аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Қариси бор уйнинг — париси бор дейишади. Қарияларни қадрлаш миллатимизга хос бўлган муқаддас бурчлардан биридир. Шу мақсадда туманда бир қатор савобли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ижтимоий ёрдамга, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларнинг рўйхати тузилиб, уларнинг уйига бориб хизмат кўрсатиш ишлари ташкил этилган.

Қарияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва соғломлаштириш мақсадида 25855 нафар қариялар туман Тиббий бирлашмаси томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. «Нуронийлар» касалхонасида 180 нафар қариялар соғломлаштирилди. 186 нафар қариялар имтиёзли сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан таъминланди, 3177 нафар қариялар имтиёзли (10869177 сўмлик) доридармонлар берилди.

Ўйлаймизки, бу йўналишдаги ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини беради. Зеро баркамол авлод аввало соғлом муҳитнинг, соғлом оиланинг, соғлом онанинг маҳсулидир.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ҳамза туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси бош мутахассиси.

АНЖУМАНЛАР

Ўқув семинари

Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси «Элнажот» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорликда «Замон ва Ислом» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Анжуманда туман ҳокимликларининг бош мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари иштирок этдилар.

Фредрих Эберт номли жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Н. Резяпова, «Элнажот» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилотининг раҳбари М. Пўлатовалар семинарнинг очилишида қисқача сўзга чиқдилар. Шунингдек, йиғилишда Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент А. Акмалов «Миллий истиқлол ғояси ва мафкура», филология фанлари номзоди, исломшунос олим У. Уватов «Ўзбекистон — буюк алломалар юрти», Ўзбекистон мусулмонлари идораси, хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудири М. Иминова «Исломий ва миллий маънавиятимизнинг уйғунлиги» мавзуида ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Семинарда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф.Абдурахимова иштирок этди ва «Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний-экстремизмнинг олдини олиш ва бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш» тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар остида ўтган семинар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА

ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Руҳий тарбия ҳам муҳим

Ҳар бир миллатнинг дунёга танилиши, жаҳонга юз тутиши, фарзандларнинг ақлзаковатли шахс сифатида шаклланиши унинг биринчи тарбиячиси бўлмиш оналарга боғлиқдир.

Ҳомиладор аёлнинг яшаш тарзи қандай бўлиши керак, деган масала кўпчиликни қизиқтиради. У доимо меъёрдаги ҳаракатда бўлиши, дармондориларга бой озиқ-овқатлардан истеъмол қилиши лозим. Шу билан бирга аёлни оналикка руҳий томондан тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яқин вақтларга қадар боланинг биологик томондан ривожланишига эътибор кўпроқ берилар эди. Эндиликда унинг руҳий жиҳатларига ҳам эътибор бериш зарурлиги тан олиняпти.

Москва, АҚШ ва Японияда фандаги энг замонавий илмий текшириш методлари орқали ўтказилган тажрибалар мавжуд. Туғилганининг биринчи куниёқ бола теварак-атрофдаги баъзи нарса-ҳодисалар ҳақида худди аввалдан билимга эга бўлгандек таассурот уйғотган.

Илмий тадқиқотчиларнинг электрон аппаратуралар билан ўтказган тажрибаларидан аниқланишича, бола ҳомила пайтидаёқ ташқи ахборотларни тўплаш ва туғилгандан кейин ҳаётга шу тариқа тайёрланиш қобилиятига эга экан.

Америкалик олим, доктор Ван де Карр ўз тажрибалари орқали бола ҳомила пайтидаёқ эшитади, ҳис қилади, сезади ва ҳаттоки кўради деган хулосага келди. У беш ойлик бўлганда сенсор томонидан етарли даражада ривожланади. Она ўз қорнида суҳбатлашиб туриши лозимлигини Ван де Карр уқтириб ўтади.

Ҳомиладорликнинг еттинчи ойи ҳал қилувчи давр бўлиб, махсус педагогик дастур асосида шуғулланилса, кутилган самарани бериши кундек равшан. Психологлардан бири илмий тадқиқот натижаларини «Туғилмаган бола ҳаётининг яширин сирлари» номли китобида асослаб берган. Шу сингари ҳомила педагогикаси бизда ҳам секин-асталик билан жонланяпти. Бу фан бўлажак онани келажакка, фарзанд тарбиясига, оналик бурчини тўлақонли англашга ҳар жиҳатдан тайёрлаб боради.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида маълумот бersangиз.

Наргиза ва Баҳодир Шоюсуповлар оиласи.

Савол сиздан, жавоб биздан

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), Оила кодексида назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидан.

Душанба 29

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хаттотлик санъати». Премьера.
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
11.55, 17.30 ТВ анонс.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Бир қуйлашайлик». А. Акбаров.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
14.30, 16.30 ТВ клип.
14.40 Кундузги сеанс: «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
16.15 «Сиёсат оламида».
16.40 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
17.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
18.10 «Қуйла, ёшлигим».
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 «Йўл бошида».
22.30 «Филипп Марлоу». Телесериал.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун қўшиқлар.
10.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Давр» ҳафта ичида.
11.25 Болалар экрани. «Қиммат бола».
12.35 «Давр»-news.
12.55 «Жаннат». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10 «Мультшомоша».
14.25 «Диёнатга-ҳиёнат». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
15.25 Автосалтанат.
15.40 «Диёнатга-ҳиёнат». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
16.25 «Кусто командасининг сув оти саргузаштлари». Телесериал.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.55 Сиз қонунни биласизми?
18.15 Спорт ҳафтаномаси.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Мутолаа.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат ҳаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол, Танаффус пайтида.
23.50 Давр.
1.15-1.20 «Ҳайрли тун!»

ТТХ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна бардан чиққан фирибгарлар». 41-қисм.
17.50, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани». «Морси билан етти кун». 1-2 серийлар. «Учувчи Пумс ҳақида».
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Камалак».
19.45 «Имом Ал-Мотуридий». Телефильм.
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.30 «ТВ плюс».
22.40 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
23.20-23.25 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хепберн тарихи».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.15 «Кўрқувга қарши дармон». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
22.10 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.30 «Уйқудаги малика». Фильм-балет.
23.30 А. Пугачёва иштирокидаги концерт дастури.
1.20 «Ахборот» (рус тилида)
1.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: « Шўх лапашанглар-2». Комедия.
21.00 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кикбоксер: Қайтиш».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

1

5.00 «Ҳайрли тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.15 «Шиддаткор». Жангари сериал.
10.15 Тоғ шоҳи.
10.35 КОАПП.
11.00 Янгиликлар.
11.15 «Ой ёғдуси» детектив агентлиги».
12.10 «Мўъжизалар майдони».
13.05 «Аралаш». Ҳажвий тележурнал.
13.15 «Инсон ва қонун».
14.00 Янгиликлар.
14.20 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. Финаллар.
15.00 «Ҳозир ёки ҳеч қачон». Телесериал.
15.55 «Қаллоблар». Сериал.
17.00 Кечки янгиликлар (субтитрлар билан).
17.15 «Миллионер бўлишни ким истайди?». Телеўйин.
18.15 «Кўрқувга қарши дори». Детектив.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий дастур.
22.10 «Хитойлик миршаб». Телесериал.
23.00 Кечки «Время».
23.15 «Минг йиллик». Триллер-сериал.
0.05 «Ҳеч қаерлик одам». Триллер-сериал.

РТР

3.50 — 7.00 РТРда тонг.
4.50, 5.50, 6.50 Хабарлар — Москва.
4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар.
4.10 «Православ тақвими».
4.15 Оилавий янгиликлар.
4.25 Миллий даромад.
4.30 Афиша.
4.40 «Йўл назорати».
5.10 «РТР экспертизаси».
5.20 «Миллий даромад».
5.25 Хабарлар — спорт.
5.30 «Оилавий янгиликлар».
5.40 «Афиша».
6.10 «Хабарлар — спорт».
6.15 «Хронограф».
6.30 «Хабарлар — навбатчи қисм».
6.40 «РТР экспертизаси».
7.00 Хабарлар.
7.10 «Фландрия ити». Бадиий фильм.
9.00 Хабарлар.
9.20 «Севги ҳақида эртаклар».
10.20 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
11.10 «РТР экспертизаси».
11.20 «Афиша».
11.30 «Гросс Пойнт». Комедия сериал.
12.00 Хабарлар.
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинлари. Франция — Сенегал.
14.30 «Дўстлар-5». Комедия сериали.
15.00 Хабарлар.
15.20 «Янги «Эски уй».
16.05 «Йўл назорати».
16.15 Хабарлар — Москва.
16.50 «Ўғри қиз». Телесериал.
17.50 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар».
18.00 Хабарлар.
18.35 Хабарлар — Москва. Маҳаллий вақт.
18.55 «Каменская». Детектив сериал.
20.00 «Агата Кристининг Пуароси». Детектив сериал.
21.00 Хабарлар-тафсилотлар.
21.20 Хабарлар — Москва. Маҳаллий вақт.
21.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин, болажон». Комедия.

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05-7.50 «НТВда тонг».
7.50 «Золушка ови». Сериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Юзлаштириш». «Мағули занжирда».
9.55 «Бир-бирига мос жуфтлик». Сериал.
11.00 «Бугун».
11.20 «Криминал».
11.35 «Курорт муҳаббати». Севги.
13.00 «Бугун».
13.15 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.20 «Касби — репортёр».
15.45 «Давлат жиноятчиси». Детектив.
17.25 «Криминал Россия».
18.00 «Бугун».
18.35 «Чироқлари синган кўчалар». Сериал.
19.45 «Югра олтинлари». Саргузашт сериал.
21.00 «Бугун».
21.35 «Тез ёрдам-4». Телесериал.
22.35 «Чироқлари синган кўчалар». Сериал.
23.40 «О, омадли!». Телеўйин.
0.10 «Масхарабоз-қотил». Триллер.

ТВ3

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Аманда ва келгинди». Бадиий фильм.
11.30 «Янглиш эйбланган». Бадиий фильм.
13.00 «Карта, пул, икки қурол». Бадиий фильм.
15.30 «Омадсиз Папарацци». Бадиий фильм.
18.00 «Элчи». Бадиий фильм.
20.00 «Остин Пауэрс». Бадиий фильм.
22.00 «Аскар-роботлар». Бадиий фильм.
0.00 Соғ бўлай десанг.
0.30 «Замин узра қочоқ». Бадиий фильм.
2.25 «Каналда мусиқа».

REN TV

8.00 «МЭШ». Телесериал.
8.30 Метро.
8.45 «Симба-футболчи». Мультсериал.
9.10 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
9.35 «Винштунш» мультсериали.
10.00 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30 «24» ахборот дастури.
10.45 «1000 доллар бир томонга». Лирик комедия.
13.30 «Дюпонлар: Американинг энг бадавлат оиласи». Ҳужжатли фильм.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 «Гувоҳ».
15.15 «Узоқ сафар ҳайдовчилари». Сериал.
16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
17.00 «Винштунш». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
18.00 «Симба-футболчи». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
20.55 «Узоқ сафар ҳайдовчилари». Сериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Охирги саёҳат». Жангари фильм.
1.10 «24» ахборот дастури.
1.25 Футбол курьери.

ТНТ

6.00 «Истак ҳукмронлиги». Сериал.
7.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
7.30 «Довюраклар». Телесериал.
8.00 «Лус-Мария». Сериал.
9.00 «Валерий Чкалов». Бадиий фильм.
11.10 Аёллар ҳаётидан.
11.40 Теледўкон.
11.45 Ҳафталик «Ойналар».
12.50 Диванда дўкон.
13.00 ТНТда хит-парад.
13.30 Теледўкон.
14.20 Диванда дўкон.
14.30 «Динозаврчалар». Мультсериал.
15.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
15.30 «Асрнинг буюк аёллари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Ҳаммасини эслаш». Сериал.
17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00 «Яширин камера билан».
18.30 Аёллар ҳаётидан.
19.00 «Тошбақалар-ninja». Мультсериал.
19.25 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Ҳужжатли сериал.
21.30 «Саволлар туни». Мелодрама.
0.00 ТНТда мусиқа.
0.15 «Осмон момақалдироғи». Мелодрама.
2.20 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Ҳужжатли сериал.
3.10 «Яширин камера билан».
3.30 «Ҳаммасини эслаш». Сериал.

ТВЦ

7.00 «Қайфият».
10.05 «Бир кун бизда қанотлар пайдо бўлади». Телесериал.
10.55 «Ҳайвонлар сайёраси». Ҳужжатли сериал.
11.45 Мультфильм. «Мана энди дангаса эмас».
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.25 Е. Мартинов юлдузи
14.30 Ишбилармон Москва.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.15 «Инспектор Деррик». Криминал телесериал.
16.20 Ўз уйингга кир.
16.30 Икки томонлама портрет.
17.00 Ҳудудлар: очиқ мулоқот.
17.30 Мультфильм. «Ёлғончилар қасри».
17.45 В. Ливановнинг Москва ҳикоялари.
18.15 Қитъа.
19.00 Воқеалар. Москва вақти.
19.15 Мода non-stop.
20.00 «Азизим Изабель». Телесериал.
20.40 Ўз ўзингга йўл.
20.50 Ишбилармон Москва билан 5 дақиқа.
21.10 «Муром йўлида». Бадиий фильм.
23.00 Воқеалар. Москва вақти.
23.45 Времечко.
0.15 «Комиссар Мулен». Телесериал.
1.10 25-нчи соат. Воқеалар.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Телебукмекер.
2.10 «Атрофимиздаги олам».

Сешанба 30

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қадр топган отахон».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Йўл бошида».
10.25 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
11.45 «Спорт, спорт, спорт».
12.05 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
12.50 «Париси бор уй».
13.10, 15.25 ТВ анонс.
13.15 «Ой ёнида бир юлдуз». Фольклор ансамбллари кўрик танловининг якуни.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Дунёқараш».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
15.30 1. «Эртаклар - яшилиққа етаклар». 2. «Кўшиғим жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.25 «Парламент вақти».
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк мароатба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 ТВ клип.
22.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА «Тарих қўзгуси». 6-қисм.
22.50 «Ахборот - дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Ёшлар овози.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
11.55 Болалар экрани «Ишбилармон кишилар».
12.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА «Озод юрт фарзандлари».
12.35 «Жаннат». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.00 Мезон.
14.20 Интерфутбол.
16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.00 Автопатруль.
18.20 Ватан манзаралари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»- интервью.
20.05 Сифат белгиси.
20.15 Дийдор.
20.35 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат ҳаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.10-00.15 «Ҳайрли тун!»

ТТХ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна бардан чиққан фирибгарлар». 42-қисм.
17.40, 19.05, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Олтин оқу».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Авто-news».
19.25 «Нима учун?»
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар» (якунловчи)
21.50 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Умрбод сенникиман».
00.40-00.45 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хепберн тарихи».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 Ўғрилар». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Бир стол атрофида».
21.50 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.00 «Замонавий Швейцария».
22.15 «Мусиқий калейдоскоп».
23.15 Кинематограф. «Валинеъмат». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
9.30, 14.15-Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Икки капитан». 5-серия.
13.30 «Яго, эҳтирос эҳтироси». Сериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал. 1
9.00 «30-канал» кинооқшоми: «Бекуда қасамлар».
21.00 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кикбоксер-3». Триллер.
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

1

5.00 «Ҳайрли тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.15 «Ҳазил кетидан ҳазил».
9.10 «Шиддаткор». Жангари сериал.
10.05 «Аралаш».
10.15 Нима ва қанака?
10.35 Дисней-клуб. «Арзанда».
11.00 Янгиликлар.
11.15 «Ой ёғдуси» детектив агентлиги». Сериал.
12.15 «Халқ қарши». Телеўйин.
13.00 «Скарлетт». Сериал.
14.00 Янгиликлар (субтитрлар билан).
14.20 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Финаллар.
15.00 «Ҳозир ёки ҳеч қачон». Сериал.
15.55 «Қаллоблар». Сериал.
17.00 Кечки янгиликлар (субтитрлар билан).
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Ўғрилар». Комедия.
20.00 Время.
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Хитойлик миршаб». Сериал.
22.35 «Сати» дастури.
23.00 Тунги «Время».
23.15 «Минг йиллик». Сериал.
0.05 «Ҳеч қаердаги одам». Телесериал.

РТР

3.50 — 7.00 РТРда тонг.
4.50, 5.50, 6.50 Хабарлар — Москва.
4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар.
4.10 «Православ тақвими».
4.15 Оилавий янгиликлар.
4.25 Миллий даромад.
4.30 Афиша.
4.40 «Йўл назорати».
5.10 «РТР экспертизаси».
5.20 «Миллий даромад».
5.25 Хабарлар — спорт.
5.30 «Оилавий янгиликлар».
5.40 «Афиша».
6.10 «Хабарлар — спорт».
6.15 «Каттта хўжалик».
6.30 «Хабарлар — навбатчи қисм».
6.40 «РТР экспертизаси».
7.00 Хабарлар.
7.10 «Лос-Анжелесдаги жазирама». Детектив сериал.
8.00 «Мангу даъват». Телесериал.
9.00 Хабарлар.
9.20 «Каменская». Детектив сериал.
10.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
11.10 «РТР экспертизаси».
11.20 Афиша.
11.30 «Гросс Пойнт». Комик сериал.
12.00 Хабарлар.
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинлари. Бразилия — Туркия.
14.30 «Дўстлар-5». Сериал.
15.00 Хабарлар.
15.20 «Гулдурос». Бадиий фильм.
17.00 «Ўғри қиз». Телесериал.
17.50 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар».
18.00 Хабарлар.
18.35 Хабарлар — Москва. Маҳаллий вақт.
18.55 «Каменская». Детектив телесериал.
20.00 «Агата Кристи Пуароси». Детектив сериал.
21.00 Хабарлар — тафсилотлар.
21.20 Маҳаллий вақт. Хабарлар — Москва.
21.30 «Жокер». Бадиий фильм.
23.15 Футбол. Россия чемпионати. «Зенит» (Санкт-Петербург) — «Спартак» (Москва).

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05-7.50 «НТВда тонг».
7.50 «Полициячилар: ажал алчиси». Телесериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Диққат: қидирув».
10.10 «Усимликлар ҳаёти».
10.40 Мазали тарихлар.
11.00 «Бугун».
11.20 «Криминал».
11.35 «Курорт муҳаббати». Сериал.
13.00 «Бугун».
13.15 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.35 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.20 «Югра олтинлари». Саргузашт сериал.
16.25 «Ўғри бўлиб туғилган». Жангари сериал.
17.25 «Криминал Россия».
18.00 «Бугун».
18.35 «Чироқлари синиқ кўчалар». Сериал.
19.45 «Югра олтинлари». Саргузашт сериал.
21.00 «Бугун».
21.35 «Тез ёрдам-4». Сериал.
22.35 «Чироқлари синиқ кўчалар». Сериал.
23.35 «О, омадли». Телеўйин.
0.10 «Панох». Триллер.

ТВ3

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Тайинлаш». Бадиий фильм.
11.30 «Элчи». Бадиий фильм.
13.30 «Замин узра қочоқ». Бадиий фильм.
15.30 «Остин Пауэрс». Бадиий фильм.
17.50 Миннатдорчилик билан Люба хонимга.
18.00 «Муҳаббат формуласи». Бадиий фильм.
20.00 «Омадсиз Папарацци». Бадиий фильм.
22.00 «Мутлақ тажовуз». Бадиий фильм.
0.05 Башоратчи Анна хоним билан учрашув.
0.30 «Аскар-роботлар». Бадиий фильм.
2.25 «Каналда мусиқа».

REN TV

8.00 «МЭШ». Телесериал.
8.30 «Симба-футболчи». Мультсериал.
9.00 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
9.30 «Винштунш» мультсериали.
10.00 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30 «24» ахборот дастури.
10.45 «Охирги саёҳат». Бадиий фильм.
13.30 «Кулфбузар ўғрилар». Ҳужжатли фильм.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 «Гувоҳ».
15.15 «Узоқ сафар ҳайдовчилари». Сериал.
16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
17.00 «Винштунш». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
18.00 «Симба-футболчи». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
20.55 «Узоқ сафар ҳайдовчилари». Телесериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Дайди ўқ». Жангари фильм.
0.05 «Мерган». Вестерн.

ТНТ

6.00 «Хоҳиш ҳукмронлиги». Сериал.
7.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
7.30 «Довюраклар». Телесериал.
8.00 «Лус-Мария». Сериал.
9.00 «Осмон момақалдироғи». Бадиий фильм.
11.10 Аёллар ҳаётидан.
11.40 Теледўкон.
11.45 «Ойналар». Ток-шоу.
12.50 Диванда дўкон.
13.00 ТНТда хит-парад.
13.30 Теледўкон.
14.20 Диванда дўкон.
14.30 «Динозаврчалар». Мультсериал.
15.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
15.30 «Асрнинг буюк аёллари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Ҳаммасини эслаш». Сериал.
17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00 «Яширин камера билан».
18.30 Аёллар ҳаётидан.
19.00 «Тошбақалар-ninja». Мультсериал.
19.25 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Сериал.
21.30 «Жасур». Саргузашт фильм.
23.55 ТНТда мусиқа.
0.10 «Икки гусар». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.50 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Сериал.
2.40 «Яширин камера билан».
3.00 «Ҳаммасини эслаш». Сериал.

ТВЦ

7.00 «Қайфият».
9.50 Газеталар ёмғири.
10.00 Каналда томоша қилинг.
10.05 «Бир кун бизда қанотлар пайдо бўлади». Телесериал.
10.50 «Ёвойи табиат олами». Телесериал.
11.20 Мультфильм.
11.40 Петровка, 38.
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.25 «Қақиқат онлари».
14.30 Ишбилармон Москва.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.15 «Инспектор Деррик». Детектив сериал.
16.30 Мусиқий серпантин.
17.00 Ҳудудлар: очиқ мулоқот.
17.30 «Мен — онаман».
17.55 В. Ливановнинг Москва ҳикоялари.
18.25 Ёриб ўтиш.
19.00 Воқеалар. Москва вақти.
19.15 Буюк хайл.
20.00 «Азизим Изабель». Телесериал.
20.50 Ишбилармон Москва билан беш дақиқа.
21.05 «Капаталар тили». Бадиий фильм.
23.00 Воқеалар. Москва вақти.
23.45 «Времечко».
0.15 «Комиссар Мулен». Телесериал.
1.10 25-соат. Воқеалар. Москва вақти.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Телебукмекер.
2.10 Б. Моисеев концерти.

Чоршанба 31

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Эҳтиросларга йўғрилган ўйин».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Бегоналарнинг киришиш мумкин эмас, мумкин». Бадиий фильм.
11.40 «Инсон ва қонун».
12.05 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
12.50 «Баркамол авлод орзуси».
13.10 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 ТВ анонс.
14.35 «Мумтоз наволар».
15.00 «Излаб». Андижон вилояти драма театрининг спектакли.
16.00 «Ягона оилада».
16.30 ТВ клип.
16.40 «Меҳр қўлоғ».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Кичкинтойлар-гижингтойлар». 2. «Цирк, цирк, цирк».
18.10 «Ривож».
18.20 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
18.40 «Аёл - дунёни тебратар».
19.00 «Оби-ҳаёт». Телефильм премьераси.
19.10 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма- юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА. «Тараққиёт йўли».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Келин-қуёв». Телешоу.
23.25 «Спорт, спорт, спорт».
23.40 «Ахборот -дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»- интервю.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 Болалар экрани «Кўк қуш».
12.35 Оби ҳаёт. Экологик тележурнал.
12.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.40 Сиз қонунни биласизми?
14.00 Ватан манзаралари.
14.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.00 Ёшлар овози.
15.20 Мутолаа.
15.40 Автопатруль.
16.00 Кўҳна оҳанглар.
16.10 Дийдор.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!»
16.55 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.00 Болажон.
18.15 Чемпион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат ҳаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
1.30-1.35 «Хайрли тун!»

ТТК

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна бариданг чиққан фирибгарлар». 43-қисм.
17.50, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани». «Қўлқоп», «Қандай қилиб тулки бўрини сўроқлади?»
18.30, 20.00, 21.15, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.35 «Спорт ва болалар».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Оқ айиқ ҳақида ҳақиқат».
21.35 «Кўнгил тароналари».
22.20 «Мушоҳада».
23.10 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
***
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
***
18.15 «Муҳаббат қунлари». Бадиий фильм.
***
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.25 «Форс-мажор».
***
22.00 CFI тақдим этади: «Шаолиннинг мовий кўзлари».
22.25 «МузZone».
22.45 Кинематограф. «Гувоҳ». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35--«Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Яхши кайфият».
11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 1
2.00 «Икки капитан». 2-серия.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Тергов сирлари». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: "Ўлимдан олдинги етти кун".
21.00 «Ойқиқна». Мусиқий дастур.
21.30 Ҳинд киноси: «Менинг суюқлигим».

1

5.00 «Хайрли тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.15 «Оилавий ришталар». Телесериал.
9.10 «Шиддаткор». Жангари сериал.
10.05 «Аралаш».
10.15 «100%» дастури.
10.35 Терговни Колобков олиб боради.
11.00 Янгиликлар.
11.15 «Ой ёғдуси» детектив агентлиги». Сериал.
12.15 «Халқ қарши». Телеўйин.
13.00 «Скарлетт». Сериал.
14.00 Янгиликлар (субтитрлар билан).
14.20 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Финаллар.
15.00 «Ҳозир ёки ҳеч қачон». Сериал.
15.55 «Қаллоблар». Сериал.
17.00 Кечки янгиликлар (субтитрлар билан).
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Репортаж». Жангари фильм.
20.00 Время.
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.30 «Бафби — қонғурларнинг голиби». Жангари комедия.
23.00 Тунги «Время».
23.15 «Кавалерия жамоасининг хужуми». Бадиий фильм.

РТР

3.50 — 7.00 РТРда тонг.
4.50, 5.50, 6.50 Хабарлар — Москва.
4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар.
4.10 «Православ тақвими».
4.15 Оилавий янгиликлар.
4.25 Миллий даромад.
4.30 Афиша.
4.40 «Йўл назорати».
5.10 «РТР экспертизаси».
5.20 «Миллий даромад».
5.25 Хабарлар — спорт.
5.30 «Оилавий янгиликлар».
5.40 «Афиша».
6.10 Хабарлар — спорт.
6.15 «Миллий даромад».
6.20 «Оилавий янгиликлар».
6.30 Хабарлар. Навбатчи қисм.
6.40 «РТР экспертизаси».
7.00 Хабарлар.
7.10 «Лос-Анжелесдаги жазирама». Ҳужжатли сериал.
8.00 «Мангу даъват». Телесериал.
9.00 Хабарлар.
9.20 «Каменская». Детектив сериал.
10.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
11.10 «Экспертиза РТР».
11.20 «Афиша».
11.30 «Гросс Пойнт». Комик сериал.
12.00 Хабарлар.
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинлари. АҚШ — Португалия.
14.30 «Дўстлар-5». Комедия сериал.
15.00 Хабарлар.
15.20 «Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман». Ҳужжатли фильм.
16.05 «Йўл назорати».
16.15 Хабарлар — Москва.
16.50 «Ўғри қиз». Телесериал.
17.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар».
18.00 Хабарлар.
18.35 Хабарлар — Москва. Маҳаллий вақт.
18.55 «Каменская». Детектив сериал.
20.00 «Агата Кристи Пуароси». Детектив сериал.
21.00 Хабарлар — тафсилотлар.
21.20 Маҳаллий вақт. Хабарлар — Москва.
21.30 «Мусиқачи (Эль Марячи)». Бадиий фильм.
23.00 «Сўнгги қўниш». Бадиий фильм.

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05 — 7.50 НТВда тонг.
7.50 «Полициячилар: тирик қолғ». Телесериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Ўй муаммоси».
10.00 «Мухит».
10.25 «Мириқиб қуласиз». М. Евдокимов.
11.00 «Бугун».
11.20 Криминал.
11.35 «Курорт муҳаббати». Сериал.
13.00 «Бугун».
13.20 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.20 «Юғра олтинлари». Саргузашт сериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерслар». Телесериал.
18.00 «Симба-футболчи». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
20.55 «Узоқ сафар ҳайдовчилари». Телесериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Қонли маросим». Детектив.
1.20 «Манхэттен эртаклари». Драма.

ТНТ

6.00 «Истак ҳукмронлиги». Сериал.
7.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
7.30 «Довюраклар». Сериал.
8.00 «Лус-Мария». Телесериал.
9.00 «Жасур». Бадиий фильм.
11.15 Аёллар ҳаётидан.
11.45 Теледўкон.
11.50 «Ойналар». Ток-шоу.
12.55 Дивандаги дўкон.
13.05 ТНТда хит-парад.
13.30 Теледўкон.
14.20 Дивандаги дўкон.
14.30 «Булбул». Мультфильм.
15.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
15.30 «Асринг буюк аёллари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Ҳаммасини эслаш». Сериал.
17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00 «Яширин камера билан».
18.30 Аёллар ҳаётидан.
19.00 «Тошбақалар-ниндзя». Мультсериал.
19.25 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Телесериал.
21.30 «Аскарликка чақирилганлар сайрда». Комедия.
23.50 ТНТда мусиқа.
0.05 «Икки гусар». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.45 «Бойлар ва машҳурлар тарихлари». Ҳужжатли сериал.
Шундан кейин куёв тўранинг отаси — Ҳамрохон Мардоновичнинг ҳурматли акахонларидан бири Хурсанд Маҳкамович даврага таклиф этилди. Бу киши ҳам сўз ирод этиш масаласида Азим Бердиёровичдан ўтса ўтар эканки, сира қолишмас экан. Баланд товуш, бор куч билан айтилаётган ўринсиз мақтовлар қулоқларни тешиб юборгудек эди. Ҳамрохон Мардоновичнинг ўзи билмаган, ҳатто тушига кирмаган хислату фазилатларига таъриф бергандан сўнг Азим Бердиёрович «қалай, қойил қилдимми?» дегандек ғоз юриш билан даврадан чиқди.

Энди ўртакаш сўзни қудағай қайноналардан бирининг яқинларига бермоқчи эди, даврада ўтирганлар: «Сўз навбати билан, энди санъаткорлардан эшитайлик», дея шов-шув кўтариб қолишди.

Бу таклиф эътиборга олинди. Лекин икки жуфт қўшиқдан сўнг яна сўзга сўз уланди. Қизиғи шундаки, табрик айтувчиларнинг барчаси куёв-келин буёқда қолиб, фақат уларнинг оталари шаънига тилак билдиришар, «ноёб» фазилатларини бирма-бир санаб ўтишарди.

— Вой тавба, бу нима ўзи, отахон? — деб сўраб қолди ёнимда ўтиргандан бири. — Икки ёшнинг никоҳ кечасими ёки уларнинг оталарини туғилган кунларими?

— Мен ҳам шунисига тушунмай турибман, болам, — дедим унга жавобан елка қиқиб.

Ҳа, азизлар, сўздан сўзнинг фарқи бор. Ҳар бир давранинг ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб сўз айтган яхши. Афсуски, баъзи мартабали кишиларнинг тўй-тантаналарида, бу ўзбекона одатимиз доирасидан четга чиқилаётган ҳолатларни ҳам кузатиб турибмиз. Ўшандай «сўзамолларга» қарата ушбу байтни келтирсак, балки мақсадга мувофиқ бўларди:

Бугун фақат, бугунги зарурини айтгин сен,
Қолганини кўй бугун, кези келар унга ҳам.

Бировни деб мен балога қолаймми?

Яқинда ён қўшнимиз Ҳусанжон янги «Дамас» миниб келди. Ҳаммамиз уни янги машина билан табрикладик. Кўп ўтмай «Ҳусанжоннинг машинасини кечаси ўғрилар олиб кетибди» деган нохуш хабар тарқалди...

Янги машинани ювиш баҳонасида Ҳусанжоннинг уйига қаридош-уруғлар, ака-укалар тўпланишди. Тўкин дастурхон атрофида базму жамшид қурилди. Айни паллада меҳмонлар тарқагач, Ҳакимахон йўлакда яркираб турган машинага завқ билан тикиларкан, эрига сўз қотди:

— Дадаси, энди машинани қаерга қўямиз?

— Шунга ҳайронман-да, онаси. Ўзимиз кўп қаватли уйда яшасак, бунақа жойда шахсий гараж қуриб бўлмаса, пуллик турар жойлар биздан анча узоқда бўлса.

— Машинамиз ана шу йўлакда тургани маъқул. Галма-гал қўриқлаб чиқсак ҳам майли. Ҳар қалай олдимизда, кўнглимиз тўқ бўлади.

Шунга келишилди. Эр-хотин навбатма-навбат қўриқчилик қилишди.

Орадан бир неча кун ўтиб, кечки ётар чоғида Ҳакимахон эрига тўнғиллади:

— Машина ҳам ўлсин, кечаси билан ухламай, кундузи ишхонада мудраганим-мудраган.

— Мени айтмайсизми?

Шу куни эр-хотин талашиб тортишиб, дон қотиб ухлаб қолишди.

Ҳакимахон эрта тонгда чўчиб уйғонди. Тез ўрнидан туриб, деразадан пастга қараса йўлакда турган машина йўқ. Эри эса ҳеч нарса бўлмагандек, бепарво хуррак отарди. Жон ҳолатда у Ҳусанжонни силтади:

— Ҳой, туринг, туринг деяпман. Машина йўқ...

Ҳусанжон ток ургандек, сапчиб ўрнидан турди. Йўлакка бир қараб олиб хотинига ўшқирди.

— Ким олиб кетди?

— Вой, мен қаёқдан билай ким олиб кетганини. Югуринг, милицияга хабар қилинг.

Беҳаловат кунлар бошланди. Шундай кунларнинг бирида Ҳакимахонлар яшайдиган уйнинг юқори қаватида турувчи қўшниси янги гап топиб тушибди.

— Вой, ўлсин-эй, қаранг, ўша тунда машинангизни учта йигит аста-секин пастга итариб олиб кетаётганини тўртинчи қаватдаги Салима хола кўриб турган экан. Ўшанда ўғрилардан бирининг кўзи унга тушибди-ю, кўли билан «агар ғиринг десанг, калланг кетади», деган ишорани қилибди. Холаси тушмагур шундан қўрқиб, ҳеч кимга индамабди-я.

Терговда Салима хола кўрган-билганларини оқизмай-томизмай айтиб берди.

— Хўп, ўзингиз кўрқсангиз, иккита ўғлингиз бор экан. Нега уларга айтмадингиз? — деган терговчининг сўровига у:

— Бировнинг машинаси деб балога қолишни истамадим. Оиламизга, ўғилларимга бирон зиён-заҳмат етмасин дедим. Ҳамма гап мана шунда, ўғлим, — деган жавобни берди.

Назаримизда бу ўринда бошқа гап ортиқча. Қиссадан қандай ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Яккасарой тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида яна бир қўли эгри шахснинг қинғир фаолиятларига чек қўйилди. Маълум бўлишича, Юнусобод туманининг 10-мавзесида яшовчи, бирон жойда фойдали иш билан шуғулланмайдиган М.Юрий исмли кимса Аския кўчасидаги «Авлоний комуналчи» ТСЖ биноси ичкарисидан 4 дона электр ҳисоблагични ўғирлаб кетган. Бундан ташқари унинг Б. Бобоев ва Бобур кўчаларида жойлашган 157- ҳамда 18-уйларнинг йўлакларидан ҳам жами бўлиб етти дона электр ҳисоблагичларини ўғирлаб кетганлиги аниқланди. Ушбу жиноятчини тегишли қонуний жазо кутмоқда.

● Ўз хаёлий орзулари оғушида Қўйлиқ-4 даҳасидаги 24-уйнинг олдида бораётган бир шахснинг ҳаракатлари шу ерда хизматларини давом эттираётган милиция ходимларининг назарида бирмунча шубҳали кўринди. Нимадандир безовтадек бўлиб, у ёқдан-бу ёққа юрганича типирчилаб турган ушбу кимса текшириб кўрилганда, унинг ёнидан 529 граммдан ортиқ героин гиёвандлик моддаси топилди. Энди ана шу заҳри қотил моддани нима мақсадда олиб юрганлиги тўғрисида бирон жўяли сўз ҳам айтолмай ерга термулганича ўйланиб қолган Тошкент вилоятининг Бекобод туманилик М. Қосимга сўнги пушаймонлари кор қилармикан?

● Тошкент вилоятининг Зангиота туманилик ҳеч қаерда ишламайдиган М. Моҳира исмли аёл ўйлаб топган ғаразли бир режасини амалда синовдан ўтказиб кўрди. У ўз уйининг олдида Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳасида истиқомат қилувчи тадбиркор М. Бекназарованинг ишончига кириб, унинг турли хилдаги газмол тўпларини сотишда ёрдамлашишини айтиб, умумий нархи икки миллион сўмга яқин баҳоланадиган ушбу молларнинг эвазига ўзининг қиймматбаҳо деб, уч хилдаги тилла тақинчоқларини ўтказиб кетган. Текширув давомида барчасининг қалбаки тақинчоқлар эканлиги маълум бўлган. Собир Раҳимов тумани ИИБга тушган ариза асосида зудлик билан тезкор гуруҳ ходимлари жалб қилиниб, ушбу фирибгарнинг қилмиши фош этилди.

● Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ҳам фирибгарликни ўзига касб қилиб олган бир кимсанинг кирдикорлари очиб ташланди. Мирсолиҳон кўчасида яшовчи бирон жойда ишламайдиган М. Лена исмли бу кимса А. Влесинони алдаб, унга АҚШ давлатига ишлашга боришида ёрдам беришини айтиб, нақд 2400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини эгаллаб олган экан. Бир кун келиб, шу каби ўз ёлғон сўзлари оқибатида, қаттиқ афсус-надомат чекиб қолиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб ҳам кўрмаган жиноятчининг бугун боши деворга урилдимикин?

● «Отчопар» бозорида ўғирлик содир этилганлиги тўғрисида Чилонзор тумани ИИБга хабар келди. Воқеа жойида ҳозир бўлган милиция ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида, айбдор қўлга олинди. Далилий ашёларни, яъни Бухоро шаҳри, М. Улуғбек кўчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Р. Тожиевга тегишли сотиш учун бозордан харид қилган турли молларни ўмарган Андижон шаҳри, Форобий кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Д. Пўлат энди қилмишидан пушаймон эканлигини изҳор этмоқда.

● Миробод тумани ҳудудидаги Манжара кўчасидаги 2-уйнинг олдидан қаровсиз қолдирилган, ушбу манзилда истиқомат қилувчи В. Зинченконинг «ВАЗ-21011» русумли автоуловини номаълум шахслар ўғирлаб, ҳайдаб олиб қочиб кетганлар. Туман ИИБ ходимлари тезда чора-тадбирлар кўришиб, Фарғона йўли кўчасидаги Темир йўлчилар музейи олдида ушбу жиноятчиларни қўлга олдилар. Шундай қилиб, Ангрен шаҳрилик, ҳалол меҳнат қилишни ўзига эп билмайдиган М. Алексейнинг, аввал ҳам судланган бўлса-да, аммо ҳамон ўзига тўғри йўлни танламаган унинг ҳамшаҳри К. Юрийнинг ҳамда уларнинг шериги саналмиш Х. Раҳмонларнинг қўлларига кишан солинди.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Дўстнинг таёғи аччиқ бўлса ҳам кейин ширин натижа беради.

● Сахийлик — одамни ўз қариндош-уруғларига, яқин дўстларига муҳаббатли этади, бахиллик эса ҳатто ўз фарзандларига ёв қилади.

● Раъй-тадбири кучсиз бўлган кишининг душмани қувватли бўлади.

● Араб олимларидан Шофийи айтади:

— Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик, мулойимлик билан ҳосил бўлади. Ғазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади.

● Қадимги Эрон ҳукмдорларидан Анушервон айтади.

— Инсонга олий ҳимматли бўлиш тақдир этилгандир. Олийжаноб бўлган бир табиб боқаётган беморни ҳиммат давоси билан даволайди, жаҳоннинг ободлиги олий ҳимматли кишилар соясида бунёдга келади.

Шоир Абдий айтади:

Келса жаҳлинг ҳар замон, эй поки дил.
Илс асбоби билан дил тоза қил.
Сўзла ҳар ким таъбига лойиқ сухан,
Келмасин сўздан кўнгилга шубҳа-зан.

● Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Муин ибн Зойил номли ҳокимнинг душманларидан уч юз кишини асир қилиб унинг ҳузурига келтирдилар. Муин ибн Зойил уларни қатл қилишни истади. Асирлар орасида кичик ёшли бир бола ҳам бор эди. У бола ўрнидан туриб:

— Эй ҳоким, мен ташнаман, бир пиёла сув беринг, ташналик ҳолда ўлиб кетмай, — деди. Муин сув беришни буюрди. Бола пиёлани қўлга олиб айтди:

— Ҳамма асирлар ташнадирлар. Мен бу сувни ичиб, уларга бермасам мурувватдан эмас, берсам ўзим ташналик ҳолда қоламан. Албатта ҳаммамизни ўлдирасиз, бунга кўзимиз етади. Марҳамат қилиб буюринг, ҳамма асирларга сув берсинлар, ташналик ҳолда ўлмайлик.

Муиннинг буйруғи билан ҳамма асирга сув бердилар. Улар сувларини ичиб бўлганларидан кейин бола яна ўрнидан туриб:

— Эй ҳоким, сувингизни ичиш билан ҳаммамиз меҳмонингиз бўлдик, меҳмонни ўлдириш фазлу карам аҳлининг расми эмасдир, — деди.

Муин ибн Зойил боланинг бу фасоҳатли сўзидан завқланиб, ҳамма асирни озод қилди.

Байт:

Келса ногоҳ уйингга меҳмонинг,
Ҳарнаким бор унга фидо қилгил.
Наки ул хоҳиш этса, андоғ қил,
Ҳожати бўлса ҳам раво қилгил.

Лукмони ҳаким айтади:

— Танни семиртириб фақат ўз ҳузур ҳаловатини қўллаш, ялқовлик — муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маъюсона яшаши шу ялқовлик, шу ғайратсизлик асиридир.

● Бир донишманддан:

— Гўзал ахлоқни неча нарса билан хулоса қилсак бўлади? — деб сўрадилар.

Донишманд айтди:

— Шу ўн нарса бутун гўзал ахлоқни ўз ичига олади:

1. — Ҳаммага кўркам хулқ билан муомала қилинг.

2. — Тўғриликни ўзингизга шиор қилиб олинг, мунофиқ, риёкор бўлманг.

3. — Қариндош-уруғ, дўст ва бошқаларга марҳаматли, шафқатли бўлинг.

4. — Яхшиликка қарши яхшилик қилинг, ёмонлик қилманг.

5. — Омонатга хиёнат қилманг.

6. — Хайр-эҳсонли, саховатли бўлинг, бахилликдан ҳазар қилинг.

7. — Қўшнилар билан тотувликда яшанг, уларнинг айбларини ошкор қилманг.

8. — Дўстларингизга самимий бўлинг.

9. — Уйингизга келган меҳмонни очиқ юз билан, иззат-икром қилиб кутиб олинг.

10. — Ҳаё ва номусли бўлинг. Ҳаё ҳамма гўзал хислатнинг бошидир.

● Бир шоир айтади:

Уч нимарса ким кўнгилни ўлдирур
Ким қилур, бошга балолар келтирур.
Бири кўп сўз, бириси ёлғон демоқ,
Биттаси, билсанг, ҳаром овқат емоқ.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ИСКАНДАР ВА ЧИН ШОҲИ

Искандар жаҳонни забт қилмоқ қасдида Чин мамлакатига кириб борди ва шоҳнинг саройи рўбарўсида ўз лашкаргоҳини қурди. Бир куни Искандарнинг хос ожиби Чин шоҳининг элчиси эшик орқасида кутиб тургани ва киришга рухсат сўраётгани ҳақида хабар қилди. Искандар элчини олиб киришларини буюрди. Элчи Искандар ҳузурига киргач, унга таъзим қилди ва тик тураверди. «Нима гапинг бор?» сўради Искандар. «Чин шоҳи менга, Искандарга нимаики гапирсанг хилватда гапир, унинг олдида ҳеч ким бўлмасин, деб буюрган», деди элчи. Искандар ҳамманинг чиқиб кетишини буюрди. Ҳамма чиқиб кетди. Фақат Искандарнинг хос қулларидан иккитаси қолдилар, холос. «Маҳрамлар олдида Искандарга айтадиган сўзим йўқ», деди элчи.

Искандар элчини тинтиб кўришни буюрди. Шундан сўнг маҳрамларига уни ҳоли қолдиришни буюрди ва элчига қараб: «Чин шоҳининг йўллаган хабари нимадир?» деди. «Чин шоҳи мен эрурман. Сенинг ҳузурингга келдим, токи қандай фармон берсанг барчасини қабул қилгайман», деди элчи.

Искандар таажжубда деди:

- Нимага ишониб бунчалик журъат қилдинг?

- Билгинки, мен сени одил ва оқил подшоҳ деб билар эдим. Қадимдан то ҳозиргача ўртамизда ҳеч қандай кин ва адоват йўқ эди. Шунингдек, бу ерга лашкаргоҳ қуриб, сенинг ҳам ниятинг бу мамлакатни озод қилиш эмас. Мабодо сен мени ўлдирганинг билан менинг ўрнимга бошқасини ўтқазадилар ва одам ўлдиришда бадном бўласан.

Искандар Чин шоҳининг оқиллигига таҳсинлар ўқиди ва: «Мамлакатингнинг уч йиллик хирожини хоҳлайман», деди. Чин подшоҳи розилик билдирди.

Искандар Чин шоҳининг дарҳол рози бўлганини кўриб: «Бу хирожни тўлаб, ado қилганингдан сўнг аҳволинг нечук кечгай», деб сўради.

- Шундай бўладики, ким мамлакатимга ҳужум қилса, албатта ҳалок қилади.

- Агар икки йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

- У ҳолда аввалги аҳволидан бир оз яхшироқ бўлади.

- Агар бир йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

- У ҳолда мамлакатимга халал етмайди. Агарчи бу мол билан хазинам бўшаб қолса-да, аммо хушбахтлигим йўқолмайди.

- Мен ярим йиллик хирожингга розидурман.

Чин шоҳи шукур қилди ва: «Фалон куни дийдор кўришсак, ўз аркони давлатингиз билан бизнинг дастурхонимизга марҳамат қилиб, тановулдан кейин хирожни олиб, сўнгра қайтсангиз», деди.

Тайинланган куни Искандар ўз аркони давлати ва аскарлари билан бирга Чин шоҳи ҳузурига жўнади. Қарши томондан Чин шоҳининг беҳисоб аскарлари кела бошлади. Оз фурсат ўтмай Чин аскарлари Искандар қўшинини ҳам ўраб олди. Чин шоҳининг аскарлари олдида Искандарники гўё дарёдан томчидек эди. Бу аҳволни кўрган Искандар ваҳимага тушиб, жанг тараддудига тушди. Шу пайт Чин шоҳи етиб келиб Искандарга таъзим қилди. Искандар Чин шоҳига қараб: «Макр-ҳийла қилдингми?» деди.

- Кучли подшоҳлар макр-ҳийла қилмайдилар. Маккорлик ожизлар ишидир.

- У ҳолда ҳисобсиз аскарни йиғишингни боиси нима?

- Бу ҳали ҳамма аскарим эмас, фақат ўрта (қалб) қисми холос. Майдана ва майсара қисмлари етиб келишмади. Мен ожизлигим туфайли сенга итоат қилаётганим йўқ. Сенга шунинг учун ўз аскарларимни кўрсатмоқдаман. Бироқ, шунга аминманки, сенга осмон давлати ёрдир. Кимки сен билан беллашса, у албатта йиқилажагини сездим. Шунинг учун ҳам сенга фармонбардор бўлдим.

- Сен иззат-эҳтиром ва эҳсонларга сазовор кишисан. Мен сендан олмоқчи бўлган молларнинг баҳридан кечдим, - деди Искандар.

Шундан сўнг, Чин шоҳи Искандарни қароргоҳга бошлади. Кенг сайҳон ерга гиламлар тўшалган, бутун аскарга етиб ортгудек нозне ъматлар дастурхонга қўйилган. Майдоннинг юқори қисмига лаъ лдан гул солинган, атласдан чодир қурилган. Чодир қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан безатилган эди. Заррин дастурхонлар устига қўйилган олтин косалар марварид ва жавоҳирлар билан тўлғазилган эдики, уларнинг қийматини баҳолаш амри маҳол эди.

Чин шоҳи Искандарни дастурхонга ўтқазиб, тановвул қилишни таклиф қилди. Искандар деди:

- Бу жавоҳирлар одамлар учун овқатлик қилмайди.

- Бўлмаса сен нима ейсан?

- Барча инсон ейдиган нон ейман.

- Во ажаб, Румда нон топиш шунчалик мушкулмиди? Шунча машаққатлар чекиб бу ерларга келибсан?..

Искандар йиғлади ва: «Менинг бу сафаримдан ҳеч қандай фойда бўлмаса-да, сенинг бу ҳикматли пандинг барча мақсад ва талабимга жавоб бўлди», деди.

Шундан сўнг, Искандар ўз аскарларига орқага қайтишга фармон берди.

Муҳаммад Авфий

Жавомиъ ул-ҳикоёт

ПАРВЕЗ ВА БАҲРОМ ҚИССАСИ

Баҳром Чўбин Парвезнинг паҳлавонларидан эди. Парвез уни ғоятда улуғлар ва унга эҳтиром назари билан қарарди. Бир кун бир хирадманд киши Парвезга қуйидаги хабарни етказди: «Баҳром Чўбинга тегишли хизматкорлардан бири хиёнат қилган эди. Баҳром Чўбин хизматкорини ушлаб йигирма таёқ уришга фармон берди».

Парвез ринд табиатли шоҳ бўлгани сабабли, бу сўздан нафратланиб, ғоятда ранжиди. Эртаси куни Баҳром саройга келгач, Парвез хазиначига хазинадан икки қилич ва бир қин келтиришни буюрди. Икки қилич ва бир қинни келтириб Баҳромга бериб: «Ҳар иккала қилич қанақа экан?» деб сўради. «Ниҳоятда яхши қиличлар экан», деб жавоб берди Баҳром. «Буюр! Ҳар иккала қилични бир қинга солсинлар», деди Парвез. «Икки қилич бир қинга сиғмайди», деди Баҳром. «Шундай, - деб давом этди Парвез, - икки ҳукмдор ҳам бир шаҳарга сиғмайди!»

ҲУНАР ҲАҚИДА

«Тарихи мулуки ажам»да келтирилишича Гуштосп ўз шон-шуҳратидан ажралгач, Рум мамлакатининг Қустантания шаҳрига борди. Аммо ёнида бирор динор ҳам пули йўқ эди. Тирикчилик заруратидан кўп машаққатлар чекди. Аммо кишилар олдига бориб, қўл чўзиб хайр-эҳсон сўрашга баланд ҳиммати йўл қўймасди. Иттифоқо, ёшлигидаги бир воқеа эсига тушди.

Гуштосп ёшлик чоғида ўз отасининг саройида бир темирчини кўрган эди. У пичоқ, ҳар хил тиғлар ва узангилар ясарди. Гуштоспнинг унга ҳаваси келарди. У темирчилар олдига тез-тез келиб турар ва темирчилар саркоридан унча-мунча сабоқ ҳам оларди.

Эҳтимол, Гуштоспнинг толе қисматига ушбу санъат насиб бўлгандир. Аммо начора, бундан бошқа ҳеч бир ҳислат ва ҳунарни билмасди. У темирчилар олдига борди ва темирчилик ҳунаридан хабардор эканини айтди. Темирчилар уни ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар. У ҳар куни ўз тирикчилигига етарли даражада пул ишлади. То ўз ватанига қайтгунича муҳтожликни кўрмади.

Гуштосп Қустантаниядан ўз ватанига қайтгач, подшоҳлик тахтига ўтирди. Шундан сўнг, у барча зодагонларнинг фарзандлари бирор касб-ҳунарни ўрганмоғи мажбурийдир, деб фармон чиқарди. Бинобарин, Ажамда бу расм анъанага айланиб қолди. Гарчи касб-ҳунардан келадиган даромадга эҳтиёжи бўлмасада, бироқ касб-ҳунари бўлмаган зодагон йўқ эди.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Энига: 1. Қон таркибидаги модда тури. 6. Билим соҳиби. 8. Бадиий ижод соҳаси. 10. Ўсимлик тупини кўпайтириш тури. 22. Гўзал аёл. 23. Нарсанинг ўзига хос хусусияти маҳмуи. 26. Франциядаги шаҳар, маъмурий марказ. 28. Ички ёнишли двигателларда ёнилги буғлари билан ҳаво аралашмасини тайёрлаб берувчи асбоб.

Диагонал бўйича чапга: 1. Халқаро муносабатларда бирор давлатнинг дипломатик масалалар юзасидан ўз фикрини баён этган номаси. 2. Галла экини тўп гули. 11. Бразилия ёзувчиси. 13. Иморатсоз. 17. Австралияда тарқалган ит зоти. 18. Қамария йили ҳисобидаги ой. 19. Абдурраҳмон Жомий асари. 27. Лавозим.

Диагонал бўйича ўнга: 3. Рудадан чўян эритиб олиш иншоати. 4. Тик ва текис ўсувчи терак. 9. Эски эмас. 12. Россия автомобили маркаси. 16. Қуёшсевар ўсимлик. 17. Ҳафта куни. 18. Бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам қисми. 24. Енгил шабада.

Бўйига: 7. Ер шарининг шимолий ҳудудидаги ўрмон маскани. 14. Газламага тикиб туширилган гул. 15. АҚШдаги штат. 20. Сайроқи парранда. 21. Болгариялик жаҳонга машҳур башоратчи аёл. 25. Саҳна асари тури.

Муаммонома

Очкич сўзлар: 1. Гапнинг бош бўлаги — 1, 2, 6.

2. Иссиқлик қуввати олиш ашёси маҳмуи — 15, 13, 18, 4, 12, 18.

3. Қирғизистондаги вилоят маркази — 19, 16.

4. Чирой, кўрк — 3, 14, 17, 8.

5. Кавказдаги Ажария Республикаси пойтахти — 10, 6, 7, 14, 9, 18.

6. Адолатли беғараз инсон — 5, 11, 18, 4.

Энди очкич сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Уларни соат мили йўналишида ўқиш билан Хитой халқ мақоли аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг шу йил 12 июль сонида берилган бошкотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. «Муҳаббат». 2. Узук. 3. Сўғдиёна. 4. Қиём. 5. Муқарнас. 6. Ўрда. 7. Амал. 8. Мина. 9. Марғиёна. 10. Ижод. 11. Астробод. 12. «Баёт». 13. Муғанний. 14. Насл. 15. Оҳак. 16. Кува. 17. Искандар. 18. Шарқ. 19. Манжаник. 20. Жўва. 21. Каспаров.

Муаммонома

Мақол: Инсон — ақлли — олмос.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.30 1 2 3 4 5 6

«ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

ҲАММАМИЗНИ ТЎЙГА ЕТКАЗСИН

Маҳмуджон ҲАКИМОВ,
олий тоифали шифокор

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йилнинг 17 июль сонида эълон қилинган «Ҳаммамизни тўйга етказсин» мақоласини ўқиб шифокор сифатида дилимдаги сўзларни газетхонлар билан баҳам кўришни лозим топдим. Чиндан ҳам тўй — тўкинчилик белгиси. У азалий одатларимизнинг энг гўзали. Лекин бу ўша мақолада таъкидланганидек, баъзиларнинг таъбирича бор бисотингни харжлаб, бировдан қарз-ҳавола кўтариб бўлса ҳам шоҳона тўй қил, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин дегани эмас. Балки баҳоли қудрат, ҳолингга қараб, топиш-тутишингни чамалаб, кўпчилик билан бамаслаҳат, ўзгалар ғашини келтирмайдиган даражада тўй қилки, ўртада сих ҳам, кабоб ҳам қуймасин дегани.

Мақолада яна бир муҳим муаммо — эрталабки тўй ошига одамларни қай вақтда чорлаган маъқул деган савол ҳам ўртага ташланади. Мутахассис сифатида худди шу масала юзасидан бир қатор фикрлар билдирсам фойдадан ҳоли бўлмас.

Қувончли томони шундаки, сўнгги вақтларда наҳорга ош тортилишининг ноқулайлик томонлари борлигини ҳамшаҳарларимизнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда. Масалан, наҳорга ошга борадиган одам ҳозирги ёзнинг қисқа кечаларида қоқ ярим тунда соат учда туриб олади. Сабаби ювиниб, тайёргарлик кўриши керак. Бу соғлиқ учун зиёнми? Зиён. Иккинчидан, соат тўрт ёки тўрт яримда тортиладиган ошга бориш учун албатта шахсий транспортда боришга тўғри келади. Бундай имконятга эга бўлмаганлар мўмай пул тўлаб машина кира қилишга мажбур. Бу ҳамён учун зиёнми? Зиён. Ниҳоят барвақт овқатланиш айниқса кучли таом саналган ош билан организмни тўлдириш меъданинг овкат ҳазм қилиш системасининг бузилишига олиб келади. Бу ҳам ўз навбатида ёшларни семириш, кексаларда эса атеросклероз касаллигини келтириб чиқаради. Тўйчиликда, баъзан жой етишмай қолиши бор. Шундай пайтларда ўзгалар кутиб қолмаслиги учун лагандаги ош шошиб-пишиб тановул қилинади. Бу эса ошқозонга ўз зарарли таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Тиббиёт фанининг исботлашича, инсон танасида пайдо бўладиган касалликларнинг 90 фоизи нотўғри овқатланишга тўғри келаркан. Демак, оқилона овқатланиш саломатлигимиз гарови экан, шунга яраша иш тутганимиз маъқул. Эрталабки тортиладиган ош муддати бир ярим-икки соат кечиктирилиб олти ярим ёки соат еттида тарқатилса ҳар томонлама қулай ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.

Тўйга нима етсин. Бекорга ҳам кексалар юзларига фотиҳа тортишганда «Ҳаммамизни тўйга етказсин», деб дуо қилишмайди. Бу гапнинг тагида катта маъно бор. Тўй чин маънода хонадон файзи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги белгиси. Ўзбекона тўйларга ҳар қанча таъриф берилса оз. Лекин кўпчиликни ташвишлантираётган бир нарса ҳам борки, бугун у ҳақда гапириб ўтмай иложимиз йўқ. Бу тўй ва маъракаларимизнинг тобора болалаб, баъзан эса дабдабабозликка айланиб бораётганлигидир. Тўғри, бундан тўрт йил аввал матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонидан кейин тўй ва маросимларни ўтказиш анча тартибга тушиб, улар қадриятимизга мос ва хос равишда ўтадиган бўлиб қолганди. Лекин нақадар аччиқ бўлмасин, айтишга тўғри келади. Бизда кечаги кунни тез унутишдек ёмон одат бор. Бу сафар ҳам мана шу иллат устун келди. Шу туфайли яна жойларда тўй ва маросимлар авж олиб, баъзан эса дабдабабозликка айланадиган бўлиб қолди. Таассуфки, бу ким ўзарлик, манманлик, шухратпарастлик билан қилинаётган тўйларнинг кўпчилиги нохушлик билан якун топаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бир ёмоннинг бир яхшиси дегандек, йиллар ўтган сайин тўйларимиз янгича мазмун кашф этиб турлича янгиликлар билан бойиб бораётгани эътирофга лойиқ. Хусусан, кейинги пайтларда қўлимизга тегаётган таклифномаларда эрталабки ош тарқатиладиган вақти соат олти ярим ёки еттига белгиланаётганини таъкидламоқ керак. Албатта, тонг саҳарлаб уйқуни тарк этиб шошиб-пишиб, яқин танишингнинг тўйига чор-ночор борганинг қайдаю, бафуржа ювиниб, тараниб ошиқмай дўстлар дийдорига тўйиб, улар билан кўнгилдан суҳбатлашиш ниятида тўйхонага кириб борганинг қайда.

Мен санъаткор сифатида хизмат юзасидан турли вилоятларда кўп бўламан. Ёр-биродарларимизнинг яхши кунларида тўй-тантаналарида қатнашаман. Лекин у жойларнинг биронтасида эрталабки ош биздагидек, тонг саҳарлаб тарқатилмайди. Тўйхонага меҳмонлар соат еттидан бошлаб кела бошлашади. Баъзи жойларда эса бунақа маросимлар кўпинча тушлик пайтига мўлжалланади. Тўйга таклиф этилган ҳофизу машшоқлар ҳам шу яқин ўртада истиқомат қиладиган турли миллатга мансуб одамларнинг ранжишидан тонгги ширин уйқусини бузилишидан бехавотир ҳеч қандай хижолатпазсизлик билан бемалол хониш қилишади.

Яқинда қиз узатиш муносабати билан бир дўстимиз тўйга таклиф қилди. Эрталабки соат еттида белгиланган ошга ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар йиғилдик. Очиқ кайфият, қувноқ табассум билан дастурхон атрофидан жой олдик. Мумтоз қўшиқлар тинглаб ош тановул қилиб, дастурхонга фотиҳа ўқиб турганимиздан сўнг соат 7.30 да қудалар келишди. Барчамиз баҳамжиҳатлик билан уларни қутиб олдик.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

Севимли газетамиз «Тошкент оқшоми»да бир яхши мақола ёритилибди. Унда тўйлар ҳақида, янгича қарашлар ҳақида, баъзи тўй ва маросимларнинг дабдабали ўтаётганлиги хусусида анча фойдали гаплар ўртага ташланган. Мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Бошимизга Ҳумо қуши қўниб, яхши кунлар келди. Мустақиллик бизга озодлик берибгина қолмай, балки йўқолган, топталган эркимизни, қадриятларимизни қайтарди. Вазифамиз эса ўша қадимий анъаналаримизни бор бўйи билан рўёбга чиқариш, уларнинг эскириб, давр руҳига мос келмай қолган томонларидан воз кечиб ўрнини янгича усуллар билан бойитишдан иборат. Шу маънода газетада наҳорга бериладиган ошларнинг вақти ва муддати юзасидан билдирилган фикрлар ва янгича қарашларни табрикламоқ керак. Назаримда, эрталабки ош вақтини соат олти ярим ёки еттига белгиланиши бу кўпчиликнинг тили учида турган гап эди.

Мен бир назм шайдоси сифатида шу ҳақдаги фикрларимни қуйидаги мисралар орқали баён этишни лозим топдим.

Раҳматлар олайин тўйимда десанг,
Бу олам сирлари қўлимда десанг,
Қоқилмай қоронгу йўлларда десанг,
Пешинда ош бергин, пешинда.

Хизматда бўлганлар гоз юрсин десанг,
Улар юмушларни соз қилсин десанг,
Қийналганлар тўйда оз бўлсин десанг,
Пешинда ош бергин, пешинда.

Ўзгалар уйқудан қолмасин десанг,
Кучлари бекорга толмасин десанг,
Кун бўйи мудрашиб юрмасин десанг,
Пешинда ош бергин, пешинда.

Ёр-дўстлар ҳуснига тўйволай десанг,
Юзларин ёруғда кўрволай десанг,
Келганларни яхши билволай десанг,
Пешинда ош бергин, пешинда.

Чироқ ҳам бекорга ёнмасин десанг,
Айтилганлар тўйдан қолмасин десанг,
Тушликка ҳар ерга бормасин десанг,
Пешинда ош бергин, пешинда.

Пешин номозидан чиқиб кексалар,
Тўйхонага қуёшдай кириб келсалар,
Қўнгиллар ёришар, диллар қувонар,
Қўл очиб тинчликка дуо қилсалар.

Тонг саҳар ошдан сўнг ишга ҳали бор
Қанчадан қанчалар вақт ўтар бекор,
Эрталаб еттида ош тортилса гар,
Бу ҳам кўнгилдаги муддао бўлар.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Менинг бувижоним...

Осмон ҳали юлдузларини йиғиб улгурмаган. Бувижоним эса одатдагидек аллақачон ўринларидан туриб, юртимизга тинчлик, хотиржамлик, рўзғорга барака тилайдилар. Кейин бувижоним рўзғор ишларига уннайдилар, шириншакар невараларига қарайдилар, чарчаш нималигини билмайдилар.

— «Ҳаракатда — баракат», болам, қани сен ҳам дарров келинойингга ёрдам бер-чи! — дея бизларни ҳам бўш қолдирмайдилар. Биз эса бувимларнинг ширин сўзларидан, ибратли ўгитларидан ғайратланиб, уларнинг меҳнатсеварликларини кўриб ҳавасланиб, ҳаммаёқни саранжом-сариштa қилиб қўямиз. Бувим бизнинг ишларимиздан қувониб, дуо қиладилар. Қачон қараманг, мени «она қизим», акамни эса «отам-отам» дея, шундоқ дориломон кунларга етганларига шукр дейдилар.

Олтмиш ёшдан ошиб ҳам, қўлларидан қалам тушмайди — инсонлар тақдири, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ёзиб газета-журналлар саҳифаларини безайдилар. Балки шундандир, яқинда улар «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан мукофотландилар. Ҳақиқатдан ҳам меҳнатдан шуҳрат топдилар.

Дарвоқе, танишинг, менинг бувижоним — истеъдодли журналист Санъатхоним Маҳмудова бўладилар. Жуда кўп йиллар севимли журналимиз «Саодат»да ишлаганлар. Одамларнинг бувижонимни чексиз ҳурмат қилишларига гувоҳ бўлганман. Мендаги моҳир журналист бўлиш орзуси ҳам бувим туфайли пайдо бўлди.

— Она қизим, сени гўдаклигингдан жуда яхши кўраман, еру-кўкка ишонмасдим, кўпинча сен билан бирга бўлишга ҳаракат қилардим. Сен жуда ширин қизча эдинг. Уйқудан ҳам кулиб уйғонардинг, — бувим эслаб бизга кула-кула ҳикоя қилиб берадилар. Биз эса бағриларига кириб, завқ-шавққа тўлиб тинглашни жуда яхши кўрамиз.

Кечқурун эса бувим ёнимга келиб, юз-кўзларимни силаб насиҳатлар қиладилар: «Қиз бола зийрак, меҳнатсевар, ширин сўз бўлса бахтли яшайди», деб ҳаётий мисоллардан келтирадилар. Шундай пайтларда меҳрибон, мунис бувим борлигидан фахрланиб кетаман ва бувиларсиз, оналарсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмаслигини яна бир бор ҳис қиламан.

Ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжон ёзганларидек:

Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган қиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним —
Узоқ тунлар ётиб жим...

Мен ҳам вақти келиб худди шоирдек бувижонимга атаб ажойиб шеърлар ёзишни орзу қиламан. Оллоҳдан ёлғиз тилагим — онажонимнинг онаси, ҳаётим дурдонаси бувимларнинг ўзлари соғ, кўнгиллари чоғ, умрлари узоқ бўлсин!

Сайёрабону ЖЎРАЕВА,
П. Ф. Боровский номли тиббиёт билим юрти битирувчиси.

СПОРТ

Боксниг қизиқарли ва жозибали тури — кикбоксинг республикамизда кенг ривожланмоқда. Айниқса, тошкентлик кикбоксинг усталари эришаётган муваффақиятлар эътиборга сазовордир.

Ҳамшаҳарларимиз бўш келишмади

Андижон шаҳрида уч кун давомида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда ҳам тошкентлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Қирғизистон ва Қозоғистондан келган кучли спортчилар ҳам қатнашган турнирда пойтахтдаги «Лочин» клуби (мураббийси Рустам Муталов) аъзолари — 42 килограммгача вазнда 14 ёшли Саъдулла Ваҳобов ва 27 килограммгача вазнда 11 ёшли Жамол Рамзиддиновлар ғолиблар қаторидан ўрин олишди. 38, 60, 67 килограммгача вазнларда эса Жавлон Насруллаев, Икром Ғофуров ва Шуҳрат Фотдиевларга иккинчи ўринлар насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида мезбонлар — Андижон спортчилари биринчи бўлишди. Тошкентлик ёш кикбоксчилар иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, Қирғизистон вакилларига учинчи ўрин насиб этди.

Гулноза ҚОСИМЖОНОВА

ЛАТИФАЛАР

— Қаерда эдингиз? — сўради хотин эридан.

— Дўстим билан шахмат ўйнадим.

— Унда нега сиздан ароқ ҳиди келяпти?

— Нима, шахмат ҳиди келиши керакми?

* * *

Ичиб олган маст автобусда бир кишига минғирлаяпти:

— Курткангни жунглидан қандай фарқ қилишини биласанми?

— Йўқ!

— Жунглида маймунлар кўп, курткангда эса у биттагина.

* * *

Бир маст автобусга чиқиб, кампирнинг ёнига ўтирибди.

— Биласанми, сен тўппа-тўғри дўзахга борасан, — дебди кампир.

Маст йигит сесканиб, ҳайдовчига қичқирибди:

— Тўхтатинг, мен адашиб бошқа автобусга чиқиб қолибман.

* * *

— Ярим литр ёғ олиб келгин, — деб хотин эрига пул берибди. Эр чиқиб кетибди ва бироздан сўнг қайтибди.

— Ёғ олиб келдингми?

— Ҳа, ярим литр олдим, ёғга эса пул етмади, — дебди эр.

* * *

Бир киши чорраҳадан ўтаётганда осмонга қараб кетаётган экан. Милиция ходими унга яқин келиб шундай дебди:

— Агар сиз кетаётган йўлингизга қарамасангиз, қараётган жойингизга бориб қоласиз.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси Сизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича доимий ишга таклиф этади:

1. Ҳайдовчи
2. Газчилангар
3. Бўёқчи
4. Машинист
5. Дурадгор
6. Гишт терувчи
7. Чилангар
8. Токарь
9. Тикувчи
10. Ҳисобчи
11. Етакчи муҳандис
12. Бош мутахассис
13. Ўқитувчи
14. Тиббиёт ҳамшираси
15. Иқтисодчи
16. Электргазпайвандчи
17. Механик
18. Техник
19. Шифокор
20. Ишчи-хизматчи

Мурожаат учун манзиллар:

Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 34-уй, тел. 136-31-45, 132-06-25

Туман меҳнат бўлимлари:

- А.Икромов тумани, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, 7-уй, тел. 74-58-91.
- Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 117-уй, тел. 195-11-88.
- Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 64-уй, тел. 54-46-69.
- М.Улуғбек тумани, Гоголь кўчаси, 38-уй, тел. 136-12-09.
- С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй, тел. 48-38-40.
- Сергели тумани, Спутник 17 даҳаси, тел. 58-08-95.
- Ҳамза тумани, М.Ҳасанова кўчаси, 2-уй, тел. 96-45-71.
- Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 10-уй, тел. 76-77-99.
- Шайхонтоҳур тумани, Ғ. Ғулом кўчаси, 7-уй, тел. 144-57-89.
- Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 8-Б уй, тел. 35-14-13.
- Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 89-уй. тел. 55-06-83.

У дунёни билмадиму бунисида аёлларнинг сехру жодусига сон мингта ғазалу достон битилган. Бунга ялмоғиз кампир мисол. Ахир у ҳам — аёл! «Муштум»да чиқадиган ҳангомаларнинг, дунёнинг минг бурчагида минг хил тилда тўқилаётган латифаларнинг кўпида ҳам улар «бош қаҳрамон». Хуллас, жаҳондаги «ноёб ижод намуналари»нинг илҳомчиси улар.

Хўп, хўп, «берди»сини айтгунча пича сабр қилинг. Сезаяпман, тилингиз учига қўниб турган гапни: «Ўзларида-чи, шоир?» демоқчисиз. Десангиз денг-да, бу ёғини мендан эшитинг...

Бизникидаям фазилатлар бисёр. Беайб — парвардигор, ахир! Оллоҳ барча хотинларга илон ёғини ялатганда у ҳам қуруқ қолмаган.

Ичиб келган кунларим оғзига талқон солиб «индамасойим» бўлиб олади. Болаларга «анавунга анави овқатни иситиб бер», қабилида имлаб, қош чимирганча секин туради-да, ётоққа кириб, ичидан қулфлаб олади. Кайф одамда нима кўп, дард кўп — эшитишни ҳам билмайди. Кўчанинг кенглиги-ю уйнинг торлиги, хотиннинг қовоғи-ю ароқнинг кайфи омихталашиб нозик кўнгилни ўкситади. Мен ҳам дастурхондаги иситма овқатга қарамай, шартта туриб залга ўтаман-да, бошимга бир коса совуқ сувни қуйиб узала тушганча полни муштлаб «менинг дадам» дийдиёсини бошлайман. Хотини беписандлик қилган мендек эркакка раҳматлик отасидан бошқа меҳрибоним борми, шу топда?! Эртасига қўшнилар мен ғарибдан эмас, хо-«тун» дан ҳол сўраб чиқишади. «Айланай, Нозикхон, оқшом тоза йиғладингизми? Шоирлар ҳам ураркан-да-а? Шундай шоирбек акам-а?! Э-сиз! Довдираб келаётганини кўргандик. Бир чиқай дедик, бир чиқай дедик... Пол дукурласа, ер қимирлаяптими дебмиз...»

Ёлғиз қолганимизда тилидаги илонёғни зўрға асраб, «бирор жойингиз оғриса, суртиб қўяй» дегандек башарамга киноялы кўз ташлайди. Биласиз, илонёғ совуқ олиб шамоллаган баданга даво. Бизники кечагининг таъсиридан ҳали совумаган. «Керакмас» дегандек жавобқараш қиламан. Қарашларимдаги илтижоли мунг ўзиб келаётган бўрону тўфонларни шабадага айлантиради.

— Ўзимнинг шоиракажоним-ей, шоиракажон, ичмасангиз қандай яхши кўриб кетамана!

Ҳайрон бўламан: қаердан кун чиқди, шабадаям қора булутларни тарқатаркан-а? Шу менинг хо-«тун»имми? Во-ажаб... Бирдан сергакланаман.

«Шоир акажоним-ей, шоир акажон»

ёки аёлларга бағишлов

Ҳажвий ҳикоя

— Ў-ўў, «қандай» дедингми? Нима, мени чойга соп эритмоқчимисан? — бош гаранг, нохуш тикиламан. — Шу пайтда шўр-шўртак ўрнига ширинликдан гап очасан...

— Ўла қолинг-а, Шоиракажоним-ей! «Қандай!» — Хотиним мулойим жилмаяди. — Аслида, шу шеъларингиз илҳомчиси ҳам мен-а?..

Шу вақт савол-жавобга бало борми? «Ҳа» дейишга ҳам, «йўқ» дейишга ҳам тилим келмайди, кейин ўйлаб қоламан: тилидаги илонёғга асал қориштирилганмикан-а? Таажжуб ошади: бўйдоқ эмас, эр киши ароқдан бошқасини қандай яхши кўради? Қандай? Бу шеър дегани ўрмондаги ҳайвонми ё менинг ёзганларим? Ёки кечаги кайфда уйда ширириб қўйган «ёлғизгинам» — яримтани тополмай хунобим ошиб қаторасига санаб-санаб бешта чинни-ю тарелкани шунча пиёлага қўшиб синдирганимга шамамикан?..

Мана шунақа, уйда ароқ сақлаб бўлмайди. Аммо кўчанинг зиёнини хотинга хўп тушунтирдим: «Ахир ўзинг ўйла, нозиккинам, уйда ичсам — уйга фойда, кони тежам, жа нари борса иштаҳа учун юз-икки юз грамм, ҳе бор-е, кетса мендан кетсин, яримта кетар. Кўча-чи... бай-бай... ёнингда гапингни маъқуллаб ўтирган улфатинг бўлгач... аждарҳодек хо-«тун»инг бўлмагач... Кечирасан! Кейин шаҳарнинг у четидан бўлса-да, мошинда келасан. Мастга йўлу такси пули чикора. Пул бўлмаса уйдагилар тўлайди-да. Биласан, шу туришда мен гап уқармидим ёки киракашни танирмидим? Ўзингдан қолар гап йўқ, Укдингми?» Лекин ҳеч тушунмади. Уйда ароқ сақлаб мен ҳам роҳатини кўрмадим.

Аввалари шанба — маза эди. Хотин — ишлайди. Биз — уйда. Болалар — мактабда. Ёлғизлик — ёмон. Секин яширириб қўйган жойимдан «бутилкажон»ни оламан. Ғовлаган бошга парвариш керак. Бироқ, бора-бора бу бахтдан бенасиб бўлдим. Сира қўйган жойимдан излаб тополмайман. Э, қодир худо, не гап ўзи бу икки хонали торгина бетон «дом»да! Ё хотиним шанба — маза эди. Хотин — ишлайди. Биз — уйда. Болалар — мактабда. Ёлғизлик — ёмон. Секин яширириб қўйган жойимдан «бутилкажон»ни оламан. Ғовлаган бошга парвариш керак. Бироқ, бора-бора бу бахтдан бенасиб бўлдим. Сира қўйган жойимдан излаб тополмайман. Э, қодир худо, не гап ўзи бу икки хонали торгина бетон «дом»да! Ё хотиворибди. Кўрпа-ёстиқ тахмонлари орасидагилари «чил-чил» синди. Оҳ, энди нима қилай? Ёки газетга эълон берсаммикан «қайга яширай» деб. Ахийри ўтган кунги маошдан бир ойлик шанбаликларнинг расамадини қилиб иккита қулинг ўргилсин «оқи»дан ва «Самарқанд сайқали» деб «Самарқанд» коньягидан келтириб, халтага солдим-да, ҳожатхона шахтасини очиб, ичкарисидаги михга осиб қўйдим. Буниси охиргиси, йигит деганда ғурур бор, сўзим — сўз. Агар шу қоронғи, кўрқинчли зимистондан, шу сассиқ ғўшадан ҳам топиб олса, ташлаганим бўлсин!

Шанба — орзиқиб кутилган кун келди. Қарасам, у ерда ҳам йўқ! Во, дарир! Уйни остин-устин қилиб ташладим, йўқ! Хўп, шу ердан-да топибдими, отаси-ю амакисигача раҳмат! Аммо лекин, у қаерга яширади? Ўзи ичмаса ҳам ахлатга ташламагандир, ахир! Наҳотки, унинг ақлу фаросати меникидан-да устун!.. Э-воҳ, дўконга чиқишга чўнтак касал, шундоқ ҳам қарздорман. Хазиначи эса «хо-тун»!

Лекин шу куни чидадим. Хотин ишдан қайтиб, соппа-соғ аммамнинг бузоғидек ўшшайганча қоғозларга ботиб ишлаб ўтирганимни кўриб қувониб кетди. Сўнг уйдаги ағдар-тўнтарларга ҳам парво қилмай чиройли жилмайди.

— Шоиракажоним-ей, шоиракажон, ўзимрамга бир бало бўлган, ёки бу уй ўлгурда кўзга кўринмас Барабашка-Шарабашкалар бор. Аммо хотин Барабашка эмас-ку, топганини изсиз йўқотса. Кир машина ичидаги эски кийимларга ўраб қўйдим, топиб олди. Бурчакдаги совуткич, телевизор, шкафларнинг орти-ю ваннанинг таги ҳам бечора бутилкага ошиён бўлолмади. Жавондаги китоблар орасига сиғса ҳам сиғдиришмади. Балкондаги таъмирдан қолган ярим қоп алебастр ичидан чиққанда болаларнинг олдида уятдан ерга кириб кетай дедим. Кейин ёзда ҳатто қишки этигим ичидан ҳам ҳидини сезди. Юзта бўш бутилка орасига яширгандим, уларга қўшиб лўлига бер-нинг шоиракажоним-ей! — деганча охиста яқинлашиб совуқ пешонамга аввал қўлини, кейин лабларини босди. Кафт ҳам иссиқ, лаб ҳам. Ҳовуридан зора шўрлик пешонам исиса девдим. Қайда?! Ўрнига совуқ тер чиқди. Хотиним ҳамон кулганча атрофга бепарво аланглаб қўшиб қўйди. — Нима бало, бу уйда учинчи жаҳон уруши бўлганми, дейман-ов, шоиракажон?

— Бўпти, — дедим асабий. — Сен ютдинг! Топибсан-да! Энди ичмайман! Чин сўзим! Фақат тўғрисини айт: сен қайга яширасан-а?

— О-оо! Сизга, шоиракажонларга ишониб бўладими? Шоиракажоним-ей!

Хуллас, ичмай қўйдим. Пинҳоний яшинтопалоқ ҳам, шанба кунларидаги Шерлок Холмслик ҳам жонга тегиб кетди. Ичмай қўйсанг, ростданам тортмай қоларкан. Энди «любой» дўкон олдидан қалтирамай, довдирамай, фикрим чалғимай, бошим ғовламай, шахдам қадам босиб ғўдайиб ўтяпман. Хотин ҳам хурсанд.

Олти ойдан кейин хотинжоннинг туғилган куни бўлди. Қирққа кирганда илк бор дурустроқ совға қилдим: ўнта ароқнинг пули кетдиёв, ўзиям, «закускаси» билан... Стол устида ҳамма нарса бор, ичкиликдан бўлак... Бир пайт эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам, қўшни аёл — гул-гул очилиб турибди. Қўлида пакет...

— Нозикхон опам айтгандилар. Манг! — дея у киприкларини пирпиратганича пакетни менга узатди. Очиқ пакетдан ўша менинг сўнгги йўқотганларим — бу жуфт «оқу беш юлдуз» бўй товлаб турарди. Узоқ қариндошимни кўргандек севинчдан кўзларимдан ёш чиқиб кетай деди. Шодлигимдан шу топда фариштадай кўринаётган қўшни аёлни қучиб ўпиб олишимга сал қолди.

— Қолганлари ҳам уйда. Мабодо меҳмон кўп келса, — аёл майин кулимсираганча аста узоқлашди.

Қўлимда пакет, севинчдан кўз намчил, дил дардчил, илҳом келди, дарёдек тўлиб-тошиб:

Офарин-ей, офарин аёл зотига,
«Оқ-қизилим» жамласа, ўз бисотига.
Минг офарин, «тадбиркор» бизнинг «отин»га,
Ва олганин қайтарган қўшни хотинга.

Шунинг учун ушбу насрий ва назмий битикларимни ҳам уларга бағишлай қолдим. Ўзимизникилар, хафаси йўқ, а?!

Адҳам ДАМИН

«ТОШКЕНТ ГЎШТСУТСАВДО» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТ ВА БУЮМЛАРНИ СОТАДИ:

1. Хушбўй йирик қора чой.
2. Тортиладиган қора чой, 2-нав.
3. Кўк чой.
4. «Адидас» спорт костюмлари.
5. Болалар спорт костюмлари.
6. Эркаклар пойабзали.
7. Аёллар пойабзали.
8. «Антошка» болалар аравачаси.
9. «Ўзиағдаргич» болалар ўйинчоғи.
10. «Ойгул» кир ювиш машинаси.
11. «Ессентуки» №4 ва №17 маъданли суви.

Нархлари бозордагидан арзон.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:
191-59-85; 191-91-22.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 278-мактаб томонидан 2001 йили Хабибова Зокира номига берилган № O'R-A 1151960 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 278-мактаб томонидан 2001 йили Хабибов Жовед номига берилган № O'R-A 0102369 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1989 йили Чилонзор туманидаги 56-ўрта мактаб томонидан Ибрагимова Нигора Эркиновна номига берилган ДN733917 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» («ЎзБАТ») қўшма корхонаси жамоаси компания менежери Саидумар Рашидовга ўғли
АДҲАМнинг
фожиали равишда вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. Босмага топшириш вақти 12.15 Топширилди 15.00 1 2 3 4 5 6